

ШАРТНОМА № 105/2

Мева сабзавот ва полиз махсулотлари етказиб бериш тўғрисида

« 18 » ноябр 2022 йил

Қўштепа тумани

Қўштепа тумани "SHIMYON BARAKA SAVDO SERVIS" MCHJ (келгусида хужжатда «Сотувчи» деб юритилади) номидан. Низоми асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Р. Аҳмедов бир томондан ҳамда Қўштепа тумани Мактабгача таълими бўлими (келгусида хужжатда «Харидор» деб юритилади) номидан унинг Низоми асосида иш юритувчи, И.Махмудова раҳбари иккинчи томондан мазкур шартномани тузиб қуйидагилар ҳақида келишадилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» узига тегишли булган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган махсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ 2.1

Т/р	Махсулот (хизмат) номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Жами қиймати
1.	Гуруч (Оддий Хоразм гуручи)	Кг	11000	10 000	110 000 000

2.2. Шартноманинг умумий баҳоси : 110 000 000 (Бир юз ўн миллион) сўм

III. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» етказиб берилаётган махсулот (курсатилган хизмат) қиматининг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан ўтказиб беради. Қолган қисмини махсулот тўлик етказиб берилганидан сўнг 30 кунлик муддат ичида ўтказиб беради.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. Махсулотларни етказиб бериш вақти ва микдори ушбу шартномага илова қилинадиган алоҳида жадвалда курсатилди. Махсулот ушбу жадвал (график) да белгиланган муддатларда ва микдорда соат 8:00 дан 16:00 га қадар «Сотувчи»нинг транспортда Харидорга етказиб берилади.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар еки махсулот (хизмат) ларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификат, лицензия), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда белгиланган вақтда «Харидор»га махсулотларни етказиб бериш;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Махсулотларни қабул қилиб олиш вақтида аниқлаш имкони булмаганлиги учун тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда дарҳол (1 кун ичида) сотувчига хабар бериб, уни иштирокида махсулотларни ҳолати юзасидан далолатнома тузади ва ушбу махсулотни зудлик билан сифатли махсулотга алмаштириб бериш ҳақида Сотувчига талабнома юборади. Сотувчи (вакили) нинг махсулотлар ҳолатини ўрганиш учун ўз вақтида келмаслиги далолатнома тузиш учун тўсқинлик қилмайди ва уни жавобгарликдан озон қилмайди.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича туловлар амалга оширилишига йул қуйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРИНИНГ МУЛКНИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.
- 7.2. «Сотувчи» томонидан махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаган тақдирда «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0.5 % миқдоридан, лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаган миқдорда «Харидор»га пеня тулайди.
- 7.3. Шартнома талабларида курсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдоридан жарима тулайди.
- 7.4. «Харидор» томонидан олинган товар еки махсулот учун туловлар уз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % миқдоридан, лекин кечиктирилган сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.
- 7.5 «Сотувчи» томонидан махсулот етказиб берилган захоти (Махсулот номи, Улчов бирлиги, миқдори, нархи, суммаси, якуний жамламаси чиқарилган ҳолда) тўлиқ расмийлаштирилган юк хати тақдим этади.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТУГРИСИДА

- 8.1. Томонлар уларнинг афилланган (узaro богланган) шахслари ва ходимлари ушбу шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характериға эға булган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора берниш ёки бернишни вада қилиш, таъмағирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози булиш хатғи ҳаракатлари ва ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.
- Томонлар, уларнинг афилланган (узaro богланган) шахслари ва ходимлари бошқа томонинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларнинг бегараз курсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасиға қандайдир хатғи ҳаракатларни/ҳаракатсизликларни бажарилишини таъминлашға қаратиёлган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.
- 8.2. Томонлар ушбу шартноманинг 8.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги туғрисидаги шубҳалар юзаға келган тақдирда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактини рад этиб булмайдиган далиллари мавжуд булган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини уз зиммасиға олади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 9.1. Тарафлар ўзларига боглик булмаган сабабларға кура (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақглари ёки енгиб булмас бошқа ҳолатлар) шартномавий мажбуриятларини бажара олмаган тақдирда жавобгарликдан озод этилади.
- 9.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари туғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

X. ШАРТНОМАНИНГ ЎЗГАРТИРИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШ ТАРТИБИ

- 10.1 Шартноманинг 7.5 бандиға амал қилинмаган ҳолатда шартнома туғридан туғри бекор қилинади
- 10.2. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафларнинг келишувни билан, ўзаро келишувға эришилмаган тақдирда иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.
- 10.3. Шартнома тарафларнинг келишувниға асосан ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.
- 10.4. Шартнома муддати 2022 йил « 31 » декабрғача булиб, тарафлар уз мажбуриятларини тўлиқ бажарилғунға қадар қучда булади.
- 10.5. Мазкур шартнома бир хил юридик қучға эға булган 2 нусхада тузилади ва тарафларда 1 нусхадан сакланади.
- 10.6 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (булими)да белгиланган тартибда руйхатдан утказили анидан сунг қонуний қучға қиради.

XI. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «СОТУВЧИ» «ХАРИДОР»

"CHIMYON BARAKA SAVDO SERVIS" MCHJ

Манзил: Фарғона тумани Парвоз, Фаровон турмуш қўчаси №1- уй

х/р: 2020800004822650001
м/р

Банк номи: Хамкорбанк АТБФарғона минтақавий филиали
МФО: 01 155
СТИР: 301442271
ОКОНХ:
Тел: 90 274 01 23

Қўштепа тумани «Мактабгача таълим бўлими»

Манзил: Шодлик мфй Бахмал қўчаси №11 уй

х/р: 100022860302067091100251001
х/р: 400522860302067091100251001
СТИР: 305 155 389 ОКОНХ: 92 400
Молия Вазирлик Газначилиги

Ғазна х/в:
Банкининг номи: Марказий банк ТШББ
МФО: 00014 СТИР: 201 122 919

Рахбар: И.Махмудова




(имзо)
М.Ў.

Р.Ахмедов


(имзо)
М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HI4861048138

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Chimyon baraka servis.Zaxira guruch**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo'shtepa tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 18.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo'shtepa tuman
yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
markaz rahbari:**



I.K.ZOKIROV

18.11.2022